
ЁЗЁВОНДА ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЯШИЛ ЖАМОАТ ПАРКИ ТАЖРИБАСИ ВИЛОЯТДА ОММАЛАШТИРИЛАДИ

Мустақиллик байрами олдидан Ёзёвон туманидаги 3100 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган “Ҳонобод” МФЙ ҳудудида ҳашар йўли билан барпо этилган “Яшил жамоат парки”нинг очилиш маросими бўлиб ўтган эди. Бугун мазкур “Ёзёвон тажрибаси”ни вилоят миқёсида оммалаштириш мақсадида туманлар ҳокимлари иштирокида тадбир ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Алибек Турсунов ҳам иштирок этди.

Тадбир иштирокчиларига 500 миллион сўм ҳомийлик маблағлари ҳисобига 70 сотих қаровсиз майдон обод қилинган, фаввора, амфитеатр, спорт майдончаси қурилган ҳақида маълумот берилди. Айтилган пайтда 700 данадан зиёд китоб фондига эга Book-safe фаолияти, турли дарахт ниҳоллари, анвойи гуллар ўтқазилган яшил майдонлар таништирилди.

Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари томонидан тайёрланган кўргазмалар намойиш этилди.

Тадбирда сўз олганлар Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар чекка ҳудудларда ҳам яққол бўй кўрсатаётгани, юртдошларимизга қувонч улашаётгани ҳақида тўхталдилар. Халқ бирдамлиги катта куч эканлиги таъкидланиб, бундай хайрли ишлар жойларда давом этиши айтиб ўтилди.

Ёш санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-03 12:47:24